


Х. ҲАСАНОВ, Г. НАВРЎЗОВА

# ҲАЗРАТ САЙИДА АМИР КУЛОЛ



**Х.ҲАСАНОВ, Г.НАВРЎЗОВА**

**ҲАЗРАТ САЙИИД  
АМИР КУЛОЛ**

**(Учинчи нашр)**

**“Бухоро” нашриёти – 2003 йил.**

*Ушбу рисола Саййид Амир Кулол Жомеъ масжиди ҳайъати таклифига биноан тайёрланди ва улар томонидан босишга тавсия этилди.*

*Ушбу рисола тасаввуф таълимотини бутун Марказий Осиё ва мусулмон Шарқиға ёйган, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд устози бўлган Улуғ зот Ҳазрат Саййид Амир Кулолнинг муборак ҳаёт йўллари ва ўлмас таълимотларини "Мақомати Амир Кулол" номли XV асрнинг нодир ёзма манбаининг таржима ва шарҳи асосида ёритади.*

*Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

## **МУҚАДДИМА**

### **Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм.**

Парвардигорга беҳисоб шукр ва ҳамду санолар бўлсинким, муқаддас ва мўътабар замин Мовороуннаҳрга, унинг марказида жойлашган Ўзбекистон заминига Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам суннатларининг содиқ ҳимоячилари ва давомчилари Имом-ал Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф ар-Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний (Хожайи Азизон), Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ас-Сухорий, Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Мотурудий, Имом ал-Марғинонийдек улуғ аллома, машойих ва авлиёларни насиб этди. Бу улуғ зотлар ўз умрбоқий таълимотлари ва амалиётлари билан Ислом дунёси аҳлининг маънавият машъали сифатида уларнинг ҳалол-пок ҳаёти ва равнақи йўлида асрлар давомида хизмат қилмоқда.

Аммо йигирманчи аср ўн еттинчи йилдан шу асрнинг тўқсонинчи йилигача ҳукмрон бўлган шўролар тузумининг мустабидлик шароитида маънавий қадриятларимизнинг чеклаб қўйилиши, камситилиши, динимизнинг таъқиқланиши каби ҳаётимизда рўй берган маҳдудона қарашлар, қатағонлар руҳий ҳаётимизга жиддий футур етказди, ҳаётимизни руҳий парокандалик, маънавиятимизни мажруҳ бир ҳолатга олиб келди. Насиб этган миллий истиқлолимиз шарофати билан мамлакатимиз ва миллатимизнинг бундай мислсиз тушкунликдан халос бўлиши ва ривож топиши учун имконият яратилди. Шу мақсадда тасаввуфий таълимотларни тадқиқ этиш, ўрганиш ва бу барҳаёт сарчашмалардан баҳраманд бўлиш замонамиз маънавий заруратига айланди. Чунки мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви рўй бераётган ҳозирги кунда шўролар истибдоди давридаги тасаввуфни инкор этувчи қарашлар ўрнини улуғ мутасаввиф аждодларимиз қолдирган

манбалар таржимаси ва шу соҳадаги илмий ишлар ва ахборотлар эгаллаб бормоқда. Миллий истиқлолга эришганимиздан кейинги ўтган ўн бир йилга яқин давр мобайнида уларни таҳлил этиш, объектив баҳо бериш, таржима этилган манбаларни илмий муомалага киритиш ва кенг омма онгига етказиш долзарб вазифа сифатида амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда олимларимиз томонидан Куръони каримнинг (икки мартаба ўз тилимизга изоҳли таржима қилиниб чопэтилиши), Имом ал-Бухорийнинг "Ал Жомийъ ас-саҳиҳ", Баҳоуддин Нақшбанднинг "Авроди Баҳойя" асарларининг ўзбек тилига ўгирилиб нашр қилиниши, шунингдек Имом ал-Мотурудий, Имом ал-Марғиноний каби улуғ мутасаввифларнинг асарларини ўзбек тилига нашр қилиниши фикримизнинг тасдиғидир. Бу хайрли иш мустабидлик ва истибдод даврида одамлар орасидаги муносабатларда вужудга келган салбий-ғайриинсоний ҳолатларни тезроқ бартараф этиш, уларда иймон, эътиқод, юксак одоб, ҳалоллик-поклик, инсонпарварлик, одиллик, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни қарор топтиришга қаратилган бўлиб осонлик билан бўлмасада ҳаётимизда ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Шу муносабат билан сиз, азиз китобхонлар эътиборига, тақдим қилинаётган ушбу рисоланинг учинчи нашри (биринчи – 1993, иккинчи нашри – 1998) буюк мутасаввиф Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг издоши ва Ҳазрат Муҳаммад Бобойи Самосийнинг халифаси Марказий Осиё тасаввуфининг йирик намоёндаси нақшбандийа тариқатининг асосчиси ва раҳнамоси Баҳоуддин ал-Бухорийнинг пири устози буюк бобокалонимиз ҳазрат Саййид Амир Кулол ҳаёти ва Аллоҳ йўлидаги фаолиятига бағишланади. Бу улуғ зотнинг насаби "Канз-ал-ансаб" китобида қуйидагича кўрсатилган.

Амир Кулол Амир ибн Ҳамза ибн Амир Иброҳим ибн Саййид Муҳаммад Қусрий ибн Сайид Муҳаммад Ҳасан Мақбул ибн Саййид Абд-Аллоҳ Шаҳид ибн Саййид Жаъфар ибн Саййид Ҳусайн ибн Саййид Али ибн Саййид Ҳасан ибн Саййид Муҳаммад

Аъло ибн Саййид Шариф Мусо ибн Саййид Иброҳим Муртазойи сони ибн Ҳазрат Мусо Козимдирлар.

Саййид Амир Кулолнинг эътиборли аждоди ҳисобланувчи Имом Мусо Козим тўртинчи халифа (656-661) Али ибн Абу Толиб уруғидан бўлган еттинчи имом.

Ушбу рисолаани яратишда Саййид Амир Кулолнинг чевараси Мавлоно Шаҳобиддин томонидан ёзилган "Мақомоти Амир Кулол" асари асос қилиб олинди. Манбани форсийдан ўзбек тилига фалсафа фанлар номзоди, (доктори) Гулчеҳра Наврўзова таржима қилиб, шарҳ этди.

Бу нодир ёзма манбада Ҳазрат Амир Кулолнинг асл номлари Саййид Амир Калон ас-Сухорий деб кўрсатилган. Кулолчилик ҳунари билан ҳаёт кечирган улуғ зот Сухор қишлоғида (ҳозирги Когон туманидаги Янги ҳаёт қишлоғида) (1287-88)<sup>1</sup> йилда таваллуд топиб, 1370 йилда вафот этган ва шу қишлоқда дафн этилган.

"Мақомот" нақллар шаклида воқеалар боришини баён этиш услубида ёзилган. Унда ҳазрат Амир Кулолнинг таваллудлари, улғайиб вояга етиш даврлари, устозлари, таълимотлари ва оилавий аҳволлари ҳақида аниқ маълумотлар берилган. Бу қимматбаҳо манбани тўлалигича ўзбек тилига таржима этиб китобхонларни баҳраманд қилиш жуда шарафли ва савоб ишдир. Ушбу рисолада эса шу поклик уммонидан имкони борича олиб, сиз азизларни баҳраманд қилишга уриндик. Бунда Ҳазратнинг ҳаёт ва фаолиятларига оид маълумотлар, яъни ҳазратнинг таваллудлари, асл номлари ва фахрий унвонлари, устозлари, таълимотлари ва унинг моҳияти, зикр хусусидаги, илм ва билиш ҳақидаги фикрлари, ўғитлари ўз ифодасини топган.

---

<sup>1</sup> "Мен ким фотиҳ Темур...(Форс тилидан Абдулқосим Абдураим Учқун таржимаси) – "Шарқ юлдузи", Ўзбекистон ёзувчилари журнали, Тошкент. 1995, 1-2 сон, 14 бет. Садриддин Салим Бухорий. "Бухорудин Нақшбанд ёки етти пир". Тошкент. "Ёзувчи" нашриёти, 1993, 11 бетга қаралсин.

"Мақомоти Амир Кулол" нодир ёзма манбалардан бўлиб, унинг тош босма ва қўлёзма нусхалари мавжуд. Асарнинг қўлёзмаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Олийгоҳининг қўлёзмалар фондида 4785 рақами остида "Мақомоти Саййид Амир Кулол" номи билан сақланмоқда.

Асарнинг тошбосма нусхаси ҳақида ҳам маълумотларга эгамиз. Унинг ҳижрий 840, милодий 1436 йилдан кейин ёзилганлиги қайт этилган.

Асарнинг тошбосма нусхасини Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд авлодидан бўлган ва ҳозир Хатирчи туманида яшаётган Музаффархон ибн Муртазохон хўжа қўлларида бўлганлиги ва сўнгра шу авлоднинг вакили Бухоролик Раҳмат Ақобиров қўлидалиги аниқланди.

Ҳазрат Саййид Амир Кулол ҳаёт ва таълимотларини ёритишда Хожа Аҳрори Валий авлодидан бўлган Орифхўжа ибн Муҳиддинхўжанинг оилавий китоб хазинасидан ва таржима жараёнида берган қимматли маслаҳатларидан фойдаландик. Бунинг учун ушбу оилага ўз самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Таржима ва таҳлил этилган "Мақомоти Амир Кулол" нусхаси "Маноқиб Хўжа Қаъбул Ахбор" ва "Мақомоти ҳазрати Хожа Нақшбанд" асарлари билан бирга бўлган тўпلامда сақланган иккинчи асардир. У форс тилида, араб графикасида ёзилган бўлиб, XX-аср бошларида Тошкентдаги Ильин босмахонасида чоп этилган ва 80 бетдан иборатдир.

Ушбу рисоланинг ҳар учала нашрини яратиш жараёнида "Мақомот" билан бирга XV-XX асрларда яратилган манбалар ва бошқа асарлар ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд 675 йиллик, Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик муборак маросимлари муносабати билан чоп этилган қатор асарлар ва таржималарга мурожаат этилди<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Г.Наврўзова, Н.Сафарова: "Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий дунёқарашлари" Бухоро 1996 й., Садриддин Салим Бухорий: "Дил да ёр" Тошкент: 1993 й. ва бошқалар.

Рисоланинг муқаддимаси ва хотимаси, шунингдек "Мақомат" таржимаси шарҳига қўшимчалар тарих фанлари номзоди Хайрулло Ҳасанов томонидан ёзилди ва умуман таҳрир ишлари амалга оширилди.

Албатта, Ҳазрат Амир Кулол ҳаёти, фаолияти, таълимоти ҳақида ўзбек тилида биринчи нисбаттан мукамалроқ маълумот берадиган ушбу рисола камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий. Бунинг учун азиз китобхонлардан узр сўраймиз.

## **1. ҲАЗРАТНИНГ ҲАЁТЛАРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР ҲАЗРАТИ АМИР КУЛОЛ ТУҒИЛИШЛАРИ ХУСУСИДА**

Манбаларда ҳазратнинг туғилиш йиллари кўрсатилмаган, лекин туғилиш жойлари Бухорога яқин бўлган Сухор эканлиги ёзилган. "Мақомоти Амир Кулол"да ҳазратнинг номлари Саййид Амир Калон ас Сухорий (2- бет) деб ёзилиши у кишининг Сухорда туғилганликларини кўрсатади. Чунки ўша даврларда буюк кишиларнинг номига туғилган жойини қўшиб аташ одат бўлган. Али Сафийнинг "Рашаҳот айн ул ҳаёт" асарида Амир Кулолнинг туғилган жойлари Сухор эканлиги аниқ ёзилган. (43-бет)<sup>3</sup>

"Мақомот" асарида ҳазратнинг дунёга келишлари ҳақида қуйидаги маълумотлар берилади: Ҳазрат Амир Кулолнинг оталари Яссавий тариқатининг йирик намояндаларидан Саййид Ато билан дўст бўлган. "Дар миёни Ҳазрати Саййид Ато ва ҳазрати волиди Амир Кулол аҳди бародари будааст. Ҳар боре, ки ҳазрати Саййид Ато ба Бухоро нузул мефармудаанд, аввал ба якдигар мулоқот мекарданд ва баъд аз он ба Бухоро меомаданд" (4-бет). Мазмуни: "Ҳазрат Саййид Ато билан Амир Кулолнинг оталари бўлган ҳазрат ўртасида биродарлик аҳди бўлган. Ҳазрати Саййид Ато Бухорога келган вақтларида аввал у киши

---

<sup>3</sup> Фахриддин Али ибн Ҳусайн Воиз Кошифий. "Рашаҳот айн ҳаёт" Тошкент. Уломия матбааси, 1329/1911.

билан учрашиб бир-бирлари билан мулоқот қилганлар ва сўнгра Саййид Ато Бухорога келганлар.

Манбаларда Саййид Ато турк шайхулшуюхи ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг шогирди бўлган Занги Атонинг издоши эканлиги кўрсатилади. Турк машойхларидан бўлган Саййид Ато ҳазрат Амир Кулол дунёга келмасдан олдин у кишининг туғилишлари ва буюк шахс бўлиб етишишларини башорат қилади. Ҳазратнинг исмларини ҳам шу улуғ зот қўйганлар. "Рўзе Саййид Ато ба Афшона омаданд ва Ҳазрат Саййид Ато волиди Саййид Амир Кулолро фармуданд ки: "Эй бародар, шуморо Ҳақ Субҳонаҳ ва Таоло фарзанде каромат хоҳад кард, ки жаҳонро сар то сар хоҳад гирифт, зинҳор Амир Калон ном фармод" (Ўша ерда). Мазмуни: "Кунлардан бир кун Саййид Ато Афшонага келадилар ва Саййид Амир Кулолнинг оталарига айтадилар: "Эй бародар, сизга Ҳақ Субҳонаҳ ва Таоло бир фарзанд каромат қиладики, унинг файзи жаҳоннинг бошидан охиригача етади. Албатта, унинг исмини Амир Калон қўйинг".

Дарҳақиқат, оз фурсат ўтганидан сўнг Ҳазрат Саййид Атонинг айтган башоратлари амалга ошган ва Амир Кулол муҳтарама оналарининг ботиний вужудларида пайдо бўлган ва тезда ўзига хос бўлган сифатларни намоён этган. "Мақомот" да Саййид Амир Кулолнинг оналарининг тилларидан қуйидагича баён этилади: "Он вақте, ки Худованди Таборак ва Таоло эшонро дар вужуди ботинии ман мавжуд гардонида буд, ки агар ногоҳ луқмаи бо шубҳа воқеё бишуди, дар даруни ман дарди баҳайбате пайдо гашти, чунончи, ман аз ҳуш беҳуш шудаме ва маро аз худ хабар номонди. Чунончи аз ин қисса бисёр воқеъ мешуд. Баъд аз ин маро маълум шуд, ки ин маъни ба мо аз баракоти ақдоми ин фарзанд аст" (4-бет). Мазмуни: Амир Кулолнинг оналарининг айтишларича: "Менинг ботиний вужудимда Аллоҳ Таборак ва Таоло у кишини вужудга келтирганда, мабодо билмасдан бирор шубҳали луқмани есам, ичимда шундай ҳайбатли оғриқ кирар эдики, ҳеч нимани билмай ҳушимдан кетар эдим. Бундай

воқеалар кўп бўлиб турар эди. Кейин англадимки, бу бизда фарзандимиз қадамларининг баракотидан экан".

Саййид Амир Кулол оналари тилидан келтирилган воқеа шуни кўрсатадики, Ҳазрат ҳали оналарининг ботиний вужудларида энди дунёга келганларидан бошлаб фақатгина ҳалол луқмани истеъмол этганлар. Ҳаром ва шубҳали луқмани у кишининг пок вужудлари умуман қабул қилмаган. Поклик улуг зотга берилган илоҳий файз бўлган. Манбада бу воқеа баёнидан сўнг қуйидаги байт келтирилади:

***Нишони он, ки ман фарзанди покам,  
Падар ҳам пок, модар ҳам афифа  
Дилам пок асту, доман пок дорам,  
Тариқи рост роҳ бўи ақиқа.***

Мазмуни: Отам ва онамнинг покликлари бу менинг поклигимнинг белгисидир. Менинг юрагиму этагим ҳам пок, шунинг учун тариқатим-йўлим пок бўлиб, ундан ҳақиқатнинг ҳиди келмоқда.

Назмий парча кўрсатадики, Ҳазрат Саййид Амир Кулол дунёга келишлари билан поклик ва ҳақиқат у кишига ҳамроҳ бўлган. Яъни ҳақиқатга етишишнинг асосий воситаси бу поклик эканлигини кўрсатади.

"Мақомот" да Саййид Амир Кулолнинг асл исмлари САЙЙИД АМИР КАЛОН ас-Сухорий деб кўрсатилган. Демак, асл номлари Амир Калон бўлиб, туғилган жойлари Сухор қишлоғи бўлган. Лекин ул зот кулолчилик хунари билан ҳаёт кечириб, одамлар ўртасида машҳур бўлганлари учун Ҳазрат Саййид Амир Кулол номи билан ҳаммага маълум.

## ҲАЗРАТГА ТАРБИЯТ БЕРГАН

### УСТОЗЛАР

Ҳазрат Амир Кулолнинг биринчи устозлари Яссавийа тариқатининг вакили, турк машойихи Саййид Атодирлар. У киши ҳазратнинг туғилишини башорат қилиш билан бирга, қандай шахс бўлиб вояга етишларини айтиб, номларини ҳам қўйганлар. Кейинчалик бу мухтарам шайх Амир Кулолни тарбиялари билан шуғулланганлар. Бу тўғрида манбада қуйидагича баён этилади: Амир Кулол туғилганларидан сўнг бир неча йил ўтгач Саййид Ато яна бу оилага ташриф буюриб, ҳазратнинг оталарига айтадилар: "Эй биродар, фарзандингизни менинг олдимга келтиринг". Оталари ёш Амир Кулолни Саййид Атонинг олдига келтирадилар. Саййид Ато уни қучоқларига олиб, дуо қиладилар. Манбада келтирилган бошқа ривоятга кўра, Саййид Ато бу оила билан учрашишга келаётганларида, ул зотни болалар орасида ўйнаб юрган Саййид Амир Кулол кўради ва тез чопиб келиб салом беради. Саййид Ато у кишини олиб уйларига биргаликда келадилар. Уйда ёнларига ўтирғизадилар. Сўнг ўзларининг бошларига боғланган саллаларини иккига бўлиб, бир ярмини ўз муборак бошларига ярмини Амир Кулолнинг муборак бошларига ўрайдилар. Ҳазрат Амир Кулол яна болалар билан ўйинга кетади. Бир оз фурсатдан кейин Саййид Ато:

- Амир Кулолни бизни олдимизга чорланг, - дейдилар.

Амир Кулолни ўйиндан чақириб келтирадилар. Ҳазрат Саййид Ато ўз бошларида бўлган саллаларини бир қисми билан ҳазрат бошларида бўлган қисмини олиб таққослайдилар. Ҳар бир марта ўрамда бир қарич ортган экан. Бу ҳолни мушоҳадасидан сўнг Саййид Ато шундай дейдилар:

- Пок арвоҳлардан менга маълум бўлдики, Ҳазрат Амир Кулолнинг мартабаси жуда олий бўлади ва мендан ҳам ўзади.

Манбада таъкидланишича, "Ин назар дар шашсаду ҳаштод сана будааст" (5-бет). Яъни бу воқеа ҳижрий 680 йилда бўлган.

Ҳазрат Саййид Ато ўз амомалари-саллаларининг ярмини Амир Кулол бошларига ўрашлари тасаввуфда муршид ва муридликнинг бошланишини кўрсатади. Саййид Ато Ҳазратга Аллоҳ томонидан берилган қобилиятни кўриб, ўзлари у кишини тарбиятларига оладилар. Кейинчалик Саййид Ато Ҳазратни Шош вилоятига олиб кетадилар ва бир неча йил у кишининг тарбиялари билан шуғулланадилар. Демак, Ҳазрат Амир Кулол сўфийлик ғоя ва амалиётини илк сабоқларини яссавийя тариқатидан бўлган мухтарам зот Саййид Атодан олганлар.

Ҳазрат Амир Кулолнинг иккинчи устозлари Хожагон тариқатининг йирик мутасаввифларидан, Ҳазрат Хожайи Азизон номи билан машхур Хожа Али Ромитаний хулафосидан бўлган Муҳаммад Бобойи Самосий (ваф. 1340) эди. Бу улуғ зот билан Ҳазрат Амир Кулол 15 ёшда бўлганларида учрашганлар ва 20 йил узлуксиз у кишининг хизматларида бўлганлар. Саййид Амир Кулолга муршидлик ҳуқуқини ҳам Муҳаммад Бобо Самосий берганлар. Манбада воқеалар қуйидагича баён этилади: "Ҳазрат Амир Кулолро то сол ба понздаҳ расида буд, ки бо гўштингирифтан машғул будаанд" (5-бет). Рўзе Амир Кулол дар қарияи Ромитан бо гўштингирифтан машғул будаанд. Хожа Муҳаммад Бобо дар сояи деворе истода будаанд ва мустағриқи, ҳол гашта. Яке аз маҳрамони Муҳаммад Бобо гуфтааст, ки" Дар ин мардумони, ки ҳамма бо бидъат машғуланд шумо чаро мутаҳаййир гаштаед? Хожа Муҳаммад Бобо фармудаанд:

- "Эй ёрон, дар ин майдон мардист ва дар ин дамгоҳ сайдист, ки ҳамаи комилон аз суҳбати вай баҳраманд хоҳанд буд. Мо ба тамизи он мардем. У бисёр мурғи баландпарвоз аст ва мақоми эшонро баланд мушоҳада кардем".

Хожа Муҳаммад Бобо дар ин ҳолат будаанд, ки баногоҳ, ҳазрати Амирро чашм ба хожа афтод, ва сайди дили эшон дар каманди Хожа афтод, икон аз ихтиёри аз дасти Амир. Дар ҳамон рўз эшонро ба фарзанди қабул карданд ва баъд аз ин тарих ҳеч кас Ҳазрат Амирро дар маърака ва майдон ва дар бозор надидааст, то вақте, ки эшон дар олами ҳаёт будааст" (7-бет).

Мазмуни: Ҳазрат Амир Кулол 15 ёшга етганларигача кураш тутиш билан машғул бўлганлар. Бир кун у киши Ромитан қишлоқларидан бирида кураш тутиш билан машғул эдилар. Хожа Муҳаммад Бобо деворнинг соясида ҳол даражасида шўнғиб турган эдилар. У кишининг маҳрамларидан бири бу ҳолатни кўриб савол беради:

- Бидъат билан шуғулланаётган бу кишиларда нимани кўрдингизким, бундай ҳайратда қолдингиз?

Муҳаммад Бобо жавоб берадилар:

- Бу майдонда шундай эр киши ва бу дамгоҳда шундай саййид борки, барча комиллар унинг суҳбатидан баҳраманд бўладилар. Биз ўша эр кишига қарамоқдамиз. У жуда баланд парвоз этувчи қушдир. Унинг мақомоти, яъни эришган даражасининг юксаклигини мушоҳада этдик.

Хожа Муҳаммад Бобо шу ҳолатда эдиларки, бирданига Амир Кулолнинг кўзлари у кишига тушди ва шу дамдан бошлаб қалби ва бутун ихтиёри Муҳаммад Бобога ўтди. Муҳаммад Бобо ҳазрат Амир Кулолни фарзандликка қабул этдилар. Шу воқеадан сўнг ҳеч ким Амир Кулолни бирор маърака, ёки майдону бозорда кураш тутганини кўрмаган.

Манбадан келтирилган юқоридаги парча кўрсатадики, Муҳаммад Бобо ва Амир Кулол бир бирларини бир кўриш билан юксак даражада эканликларини фаҳмлаганлар ва бир-бирлари билан боғланганлар. Булар икковлари орасидаги садоқат шу даражада бўлганки: "Ҳазрати Амир бист сол пайваста намози шоми душанбе ва одинаро дар Сухор мегузарондан ва намози хуфтонро дар Самоси адо мекарданд" (9-бет). Демак, Ҳазрат Амир Кулол 20 йил узлуксиз душанба ва жума кунларининг шом намозини Сухорда ўқисалар, хуфтан намозини Самосда адо этганлар. Бу қишлоқлар орасидаги катта масофага ўттиз чақиримча йўлни (Х.Ҳ.) пиёда кечиб бу ишнинг Ҳазрат Амир Кулол томонидан амалга оширилишини қай даражада Муҳаммад Бобога бўлган муҳаббатини кўрсатади.

Муҳаммад Бобо Самосий Саййид Амир Кулолни тарбият қилганлар ва ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга ўзлари томонидан берилган барча билимларни беришни васият қилиб топширганлар. Ўз навбатида Амир Кулол устозлари талабларини тўла адо этган.

## **2. ҲАЗРАТНИНГ ТАСАВВУФИЙ ДАРАЖА ВА ФАХРИЙ УНВОНЛАРИ.**

Манбаларда Ҳазратнинг тасаввуф илмини эгаллаган даражаларига мувофиқ берилган фахрий унвонлар ҳам келтирилган. Бу муборак даража ва унвонлар Ҳазратнинг шахсиятларини тўла, мукамал билишга имкон беради. Булар қуйидагилардир:

**1. САЙЙИД:** – Бу ҳақда "Мақомот" да шундай таъкидланади: "Ҳазрат Саййид Амир Кулол аз жаллаи он саййидонанд, ки дар саййидии эшон ҳеч қусуре нест, ҳам дар ҳасаб, ҳам дар насаб" (3-бет). Мазмуни: Саййид Амир Кулол Ҳазратлари саййидларнинг энг аълоларидандир ва у кишининг саййидликларида, ҳеч қандай қусур, нуқсон йўқдир. Ҳазрат ҳам насаб, ҳам ҳасаб, яъни ҳам насл ва зотлари Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг авлодидандирлар, ҳам эришган даража ва амалиётлари расуллulloхнинг йўлларига тўла мос тушади.

Манбада саййид деган тушунчага қуйидагича таъриф берилади "... Бо ҳақиқат саййид касе мебошад, ки дар гуфтор ва дар рафтор мутобеати расуллulloх саллоллоҳу алайҳи вассаллам, мебошад" (ўша ерда). Мазмуни: Саййид деб ҳақиқатда сўзида ва амалиётида расул Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламнинг барча амалларига қатъий риоя қиладиган кишилар бўлиши мумкин.

Муҳаммад пайғамбаримиз бу соҳада шундай ҳадис айтганки: мазмуни "Одоб насабдан устундир". Бу ҳадисдан сўнг Манбада қуйидаги байт келтирилади:

**Ҳазор хеш, ки бегона аз худо бошад**

**Фидои як тани бегона, ки ошно бошад.**

Мазмуни:

Аллоҳдан йироқ бўлган мингта қариндошдан кўра, Аллоҳга яқин бўлган бирта бегонага фидо бўлсанг арзийди.

Юқоридаги байт орқали саййидликнинг асл белгиси насаб эмас, балки шариат ва суннатга тўла итоат этиб, Расули акрам йўлига сидқ билан риоя этиш эканлиги таъкидланади. Ҳазрат Саййид Амир Кулол ҳам насаб, ҳам ҳасабда-сўз ва амалиётларида пайғамбар йўлидан борганликлари учун у киши саййид деган фахрий унвонга эга бўлганлар.

**2. ШАЙХУЛ ШУЮХ** – шайхларнинг шайхи. Шайх деб тасаввуф йўлига кириб, сўфийликнинг бутун назария ва амалиётини мукамал эгаллаб, уни бошқаларга ҳам ўргатиш ҳуқуқини олган кишига айтилган. Шайхни пир ёки муршид деб ҳам атаганлар. У Ҳақ йўлига кирган толибларга тўғри йўлни кўрсатган. Тасаввуф йўлига кирган толибларнинг барчаси ҳам бу таълимотни тўла ўргана олмаган. Уларнинг жуда оз қисми шайхлик даражасига етган. Сўфийликнинг бошқаларга таълим бериш каби улуғ даражасига етган шайхларнинг ўзига ҳам йўл-йўрик берадиган шайхларнинг шайхи бўлган, ки уни шайхул-шуюх деб атаганлар. Демак, Ҳазрат ана шундай юксак даражага эришган улуғ зотлардан бўлган.

**3. РАИСИ АРБОБИЛ ТАСАВВУФ** – тасаввуф арбобларининг раиси. Тасаввуф ислом фалсафий таълимотларидан бўлиб, бу йўлга кирганлар ўзларини ҳам зоҳиран, ҳам ботинан поклаб, яъни ички ва ташқи руҳий-иллатлардан покланиб Аллоҳ висолига эришиш, Ҳақиқатни англаш учун ўзларини такомиллаштирадилар. Бу фахрий даража поклик даражасига эришган арбоблар ичида Ҳазрат раис яъни йўлбошчи эканликларини кўрсатади.

**4. СУЛТОНИЛ ТАРИКА** – тариқатнинг султони. Тасаввуфда тариқат йўл деган маънони англатади. Тариқат Аллоҳга томон руҳий камолот йўлини кўрсатади. Бу йўлдан боришда маълум босқичларни ўтиш лозим бўлган. Ҳазрат Амир Кулол инсон руҳининг илоҳий босқич томон юксалиш воситаларини шунчалик мукамал билганки, бошқа бу йўлдан борувчиларга султонлик қила олган.

**5. БУРҲОНИЛ ҲАҚИҚАТ** – ҳақиқатнинг ҳужжати ёки исботи. Тасаввуфда Аллоҳга томон юксалишда маълум босқичлар-шариат, тариқат маърифатни ўтгандан сўнграгина, энг олий даража ҳақиқатга эришилиши мумкин. Кўпинча муридлар шариат ва тариқатни ўрганибгина қолганлар. Маърифат ва ҳақиқат даражасига етиш учун илоҳий файз ила берилган қобилият зарур бўлган. Ҳазрат Амир Кулол шариат, тариқат, маърифатни эгаллаб Ҳақиқатга эришган. Ҳазрат шу даражада Ҳақни таниганки, у кишининг юз-кўзларидан, сўз ва ҳаракатларидан илоҳий нур ёғилиб турган ва ул зотни кўрганлар Ҳақнинг борлигига, Ҳақнинг кучу-қудратига шак-шубҳасиз ишонганлар. Шунинг учун ҳам у кишини ҳақиқатнинг бурҳони, яъни ҳужжати ёки исботи деб билганлар.

**6. МУРШИД УС-СОЛИКИН** – соликлар – Ҳақ йўлига кириб, ҳақиқатни истаб йўл юраётган толибларнинг муршиди, яъни пири, устози. Ҳаққа эришиш учун ўзини-ўзи поклашга киришганларга, албатта, муршид керак бўлган, чунки бу йўлда руҳий ўзини-ўзи такомиллаштириш усулларини ўрганиш жуда мураккабдир. Юқорида таъкидлаганимиздек ҳар қандай сўфийга ҳам муршидлик, яъни бошқаларни тарбиялаш ҳуқуқи берилмаган. Ҳазрат Саййид Амир Кулолнинг бу фахрий унвонлари у кишининг соликларга йўл кўрсатувчи муршидлик даражасида юксалган зот бўлганликларидан далолат беради.

**7. САЙЙИДАЛ ОРИФИН** – орифларнинг саййиди, яъни олий насаби: Ориф деган тушунча тасаввуфий ислоҳот бўлиб, Ҳақиқат даражасига етиб, Ҳақни кўрган. Олий ҲАҚИҚАТни англаган кишиларга нисбатан айтилган. Олим ва Ориф бир хил даража

эмас. Олимликка нисбатан орифлик жуда юксак даража бўлиб ҳисобланади. Орифлар илоҳий илмни мукамал биладиган кишилардир: Орифларнинг ичида олийси, яъни саййиди деб ҳазратни аталишлари, бир томондан, у кишининг орифлик даражасига етганларидан далолат берса, иккинчи томондан, орифлар ўртасида ҳам олий даражага етганликларини кўрсатади.

**8. ШАРАФУЛ МУСТАФФАВИЛ** – пайғамбари мурсал бўлган Муҳаммад Мустафони шарафловчиси. Бу унвон Ҳазратнинг доимо шариат ва суннатга тўла риоя қилганлари учун ва бошқаларни ҳам шу йўлга чорлаб, унинг шарафли эканлигини кўрсатганлари учун берилган.

**9. ЗАЙНУЛ ВОРИСИН ВАЛ МУҲАҚҚИҚИН** – ҳақиқат даражасига етганларнинг вориси ва зийнати. Аллоҳга етишишнинг олий даражаси бўлган Ҳақиқатга эришганлар Ҳақнинг васлига етган, ёки восил деб аталган. Ҳақиқат даражасига етганлар кўрган ва амалга оширган ишларини давомчилари муҳаққиқларнинг вориси деб аталган. Ворислар ичида барча ишларни мукамал адо этганлар доимо зийнат ҳисобланган. Ҳазратимиз ана шундай мўътабар зотлардан бўлиб ҳисобланган.

**10. ҲАЗРАТИ БОРИФЪАТ** – Олий даражага етишган муқаддас шахс. Бу фахрий унвон ҳазратнинг сўфийлик ғояларини ўрганиш ва ўргатиш, амалиётларини бажаришда барча соҳаларда ҳам юксак даражага эришганликларидан гувоҳлик беради.

**11. ВАЛИЙ ВА КАРОМАТЛАР СОҲИБИ.** Валий Аллоҳга яқинлик даражасига эришган, қалб кўзи очилган ва кароматлар қила оладиган улуғ шахсдир. "Мақомот" да таъкидланадики: "Ҳазрат Амир Кулол ба жиҳати онки, доим ал-вақт мутобеати шариати Мустафо мебуданд, ки эшонро ҳазрати Худованди Таборак... бо анвои каромат ва валоёт ва хасоли ҳамида ва сафот гардонида соф ва масуф гардонида" (3-бет). Мазмуни: Ҳазрат

Амир Кулол доимо, ҳамма вақт ислом динининг аҳкомларига, яъни Муҳаммад алайҳи вассаллам кўрсатган шариатга тўла итоат этганлари учун Аллоҳ Таборак ва Таоло ул зотни валийлик ва каромат нурлари билан жилолаб, ҳамида, яъни жуда яхши хусусиятлар билан сифатлади ва мусаффо айлади.

Демак, Амир Кулол Аллоҳ севиб, ўз нурлари билан қалбларини ёритиб, куч-қудрат ато этган бахтли инсонлардан бўлган. Жумладан: Амир Кулолнинг волидайи муҳтарамалари балиқ пишириб оила аъзоларининг ҳар бирлари олдига қўйиб чиқадилар. Биртаси ортиб қолади. Амир эса тафаккур қилиб уни емайди. Оналари бунинг сабабини сўраганда, ул зот акам Каъба зиёратида ва бу у кишининг насибалари дейди ва таомни олиб акамга элтиб бераман деб уйдан чиқади ва бир зумда қайтиб киради. Бу воқеа рўй берган вақтни ҳам белгилаб қўяди. Акалари ҳаждан (Сухор қишлоғига Х.Ҳ.) қайтгач сўралганда ҳақиқатан ҳам ўша куни бу воқеа рўй берганлиги аниқланади. Амир Кулол бу пайтда ҳали тифл-гўдак-ёш бола бўлган.

"Мақомот" да келтирилган бу нақл Амир Кулолнинг ёш болалик чоғларидан зўр каромат соҳиби сифатига эга бўлганлигини кўрсатади. Ҳаж зиёратида бўлган акага луқмани етказиб шу онда қайта уйда (Сухорда) бўлиш тифллик, яъни ёш болалик чоғида ул зотга Илоҳдан берилган зўр қувват бўлганлигини тасдиқлайди.

"Мақомот"да Ҳазратнинг валий ва соҳибкаромат эканликларига гувоҳлик берадиган нақллар кўплаб келтирилган.

Шундай қилиб, юқорида зикр этилган тасаввуфий даража ва фахрий унвонлар Ҳазрат Амир Кулолнинг юксак руҳий камолотга эришганликларини кўрсатувчи муҳим далиллардан бўлиб ҳисобланади.

Бу борада Ҳазратнинг қуйидаги байтларига эътиборни қаратсак кифоя:

**Гар қуёшинг малак, соянг Илоҳ,  
Ҳеч бир кишига ҳақорат кўзила қилма нигоҳ,  
Субҳидам шаббодасидин дилинг этгил сафо,  
Қалб ойнадир равшан бўлур тортсанг гар оҳ.**

Шундай қилиб, манбада муршидлари бўлган Муҳаммад Бобойи Самосийдан Амир Кулолнинг валийликлари ҳақми, деб сўраганларида шундай жавоб берганлар: "Валийлик кароматлари ҳақ ва ростдир. Бу кишининг валийлик ва кароматлари ҳам ақл ила, ҳам накл ила ростдир" (7-бет). Муҳаммад Бобойи Самосийнинг бу жавоблари ҳазратнинг валийлик даражасига эришганликлари ва соҳибкаромат эканликларини кўрсатади.

### **3. ҲАЗРАТ САЙЙИД АМИР КУЛОЛ ТАЪЛИМОТИ**

#### **ҲАЗРАТ ТАЪЛИМОТИНИНГ МОҲИЯТИ**

Ҳазрат Саййид Амир Кулол таълимотларида тасаввуфнинг Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан асос солинган Хожагон ва Аҳмад Яссавий асос солган Яссавийа тариқатлари ғояларининг таъсири мавжуддир. Ҳазрат таълимотларининг моҳиятини таҳлили кўрсатадики, у киши тасаввуфдаги мўътадил оқим ғояларининг тарафдори бўлган. Чунки у кишининг ғоялари тўла ислом дини талабларига мос келади ва Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифга асосланади.

Ҳазрат Ҳақ йўли учун покланишнинг асосий воситаси деб тақводорликни билади. Аллоҳнинг яккаю ягоналигига ишониш, унга ширк келтирмаслик ва шу асосда оламнинг ягона моҳиятини англаш мумкинлигини таъкидлаганлар. Ўз издошларига Ҳазрат доимо ҳаром ва ҳалол, савоб ва гуноҳни билиш ва шунга асосан ҳаракат қилиш лозимлигини уқтирган. "Ҳазрати Амир Кулол ба ёрони худ меғуфтанд: "Эй ёрон, ихлос

варзед, то халоси ёбед” (33-бет). Мазмуни: Аллоҳга доимо ихлос қилинг шундагина ёмонликлардан қутуласиз.

**Маёзор мўру, маёзор кас,**

**Раҳи роскори ҳамин асту бас.**

Мазмуни:

**Мўрга ҳам, кишига ҳам озор бермагин,**

**Тўғри йўл аслида мана шудир. (Ўша ерда).**

Ҳазрат юқоридаги назмий парчалар орқали оламда яратилган барча нарсалар, хоҳ у мўр бўлсин, хоҳ инсон, Аллоҳ томонидан яратилган неъматлар эканлигини таъкидлаб ва уларга озор бермасликка ҳаммани ундайди. Ўзлари ҳам бунга тўла риоя этган. Бу мазмунда "Мақомот" да қуйидаги нақл келтирилади:

"Рузе Амир Кулол дар ҳолати мажруи буданд. Бо жамие иттифоқ карда буданд, ки то жомаҳои худро бишўянд. Ёрон дар боғе аз боғҳои Ромитан рафтанд. Чун жомаҳо шуста шуд, хостанд ки жомаҳоро хушк созанд. Ҳазрат Амир фармуданд:

- Эй ёрон, пирохани худ зинҳор ба девор паҳн накунед, то хор нашиканад, бар дарахтҳо низ, то шоҳҳо ҳам нагарданд, дар замин паҳн накунед, то алафи чаҳорпоён хароб нашавад.

Ёрон гуфтанд:

- Эй Амир, пас шумо чи гуна хушк мекунад?

Баъд аз он ҳазрат Амир фармудаанд, ки: "Ман жомаи худро бар пушти худ паҳн месозам ва ба суйи офтоб медорам то вақте, ки хушк шавад". Баъд аз он Ҳазрат Амир фармудаанд ки: "Ман агар поре аз девор афтад, ё шоҳае дарахтон бишиканад, ё алафи чаҳорпоён харроб шавад, ба худованд ин боғро чи узр мегуянд? Зинҳор амали номашруъ ҳар чанд, ки хурд бошад хор мадорид" (6-7-бет).

Мазмуни: Кунлардан бир кун Амир Кулол доимий иш, жараёнида бир жамоа билан тўнларини ювишга аҳд қилган. Ромитан боғларининг бирида тўнларини ювдилар ва энди қуритишга жазм этганда, Амир Кулол айтадилар:

- Эй ёрон, тўнингизни асло деворга османг, то тиканлари синмасин, уни дарахтга османг, то унинг шохлари эгилмасин, уни ерга ҳам ёйманг токи тўрт оёғликларнинг ўтлари хароб бўлмасин.

Дўстлари айтди:

- Эй Амир, сиз унда тўнингизни қандай қуритасиз? деб сўраганда Амир жавоб беради:

Мен тўнимни елкамга ёйиб қўяман ва қуёшга томон қилиб тураман, шу ҳолатда қуригунча сақлайман.

Бундан сўнг яна Амир айтади:

- Агар деворнинг бир парчаси тушса, ё дарахтнинг бир шохаси синса, ё ўтлар хароб бўлса Аллоҳга бу гуноҳ учун нима жавоб берамиз? Қандай узр кўрсатамиз? Шунинг учун асло шариатга зид бўлган амалларни қилманг. Кичик бўлса ҳам ҳеч бир нарсани ҳам хор қилманг. Кичик гуноҳ ҳам гуноҳ эканлигини билинг.

Ўз навбатида бу ғоя табиатни авайлаб асрашга қаратилгандир.

## **ҲАЗРАТНИНГ ЗИКР**

### **ХУСУСИДАГИ ҒОЯЛАРИ**

Зикр тасаввуф таълимотида жуда муҳим ўрин эгаллайдиган амалдир. Зикр дил ва тил оркали Аллоҳни ёдлаш ва калимаи тавҳидни, яъни "Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги"ни такрорлаш ва унинг моҳиятини англашга интилиш. Зикр баланд овоз билан жаҳрия, ёки алония тарзида, самоъ-куй ва рақс билан ва яширин ҳолатда хуфия шаклида амалга оширилади.

Ҳазрат Амир Кулол асҳобларида алония-баланд овоз билан зикр этиш мавжуд бўлган. "Рашаҳот" асаарида ҳазрат хожа Баҳоуддин Нақшбандга доир парчада шундай ёзилади: "Амир Кулол охириги касаллик дамларида асҳобларини Баҳоуддин Нақшбандга итоатга чақирганлар. Асҳоблардан бири Амир Кулолга савол беради:

- Ҳазрат хожа Баҳоуддин сизга алония зикрига тобелик қилмадилар?

Амир жавоб беради:

- У кишидан ўтган ҳар бир амал қандай тарзда бўлсада илоҳий ҳикмат ила бўлур. У кишининг ихтиёри орада йўқдир" (56-бет).

Манбада келтирилган бу парча, биринчидан, Саййид Амир Кулол асҳобида алония зикри мавжудлигини кўрсатса, иккинчидан, ҳазрат зикр талқинида муридларининг қалбига қараб амал қилганликларини кўрсатади. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳияти орқали Аллоҳдан зикри хуфияга амал қилган. Амир Кулол ҳам Аллоҳнинг иродасига бўйсуниб, Баҳоуддинга зикри хуфия талқинини ўргатган.

Ҳазрат зикр хусусида "Мақомот"да шундай деган: "Зикр гўёд, шумо зокир бошед ва шуморо суфи метавон гуфтан. Бидонед жомаро об пок мекунад ва забонро зикри худо" (31-бет).

Мазмуни: Зикр айтинг ва зокир бўлинг, шунда сизни сўфий дейиш мумкин. Билингким, агар тўнни сув покласа, тилни Аллоҳнинг зикри поклайди.

Амир Кулолнинг фикрича, зикр сўфийликнинг асосий сифатидир. Сўфийнинг доимо дилида, тилида Аллоҳ бўлиши у доимо ундан огоҳ бўлиб, ҳеч бир вақтни ғафлатда ўтказмаслиги лозим бўлган.

## ҲАЗРАТНИНГ ИЛМ ВА БИЛИШ

### ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

Ҳазрат Амир Кулол таълимотларининг муҳим қисми илм олиш ва билишнинг аҳамияти каби масаладир. Илм олиш ҳақида гапириб, асҳобларига Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам томонидан айтилган "Илмга толиблик муслим ва муслималарнинг ҳаммаси учун фарздир" деган Ҳадиси шарифни ҳамиша такрорлаб турган.

Ҳазрат илмнинг қуйидаги кўринишларини кўрсатган:

1. Илмнинг боши иймон ҳақидаги илмдир.
2. Ибодат ҳақидаги илм.
3. Рўза ҳақидаги илм.
4. Ҳаж ҳақидаги илм.
5. Закот ҳақидаги илм.
6. Ота-онани ҳурматлаш ҳақидаги илм.

Ҳазрат бу илмларни мукамал билиш ҳар бир мусулмон учун шарт деб билган.

Амир Кулол олимларни қуйидаги гуруҳларга бўлган:

1. Мутакаллимлар-калом илмини чуқур эгаллаганлар.
2. Фақиҳлар-фиқҳ илмини биладиганлар.
3. Муҳаддислар-ҳадисларни ҳар томонлама тадқиқ этганлар.
4. Сўфийлар-қалб ҳолати илмини ўрганганлар.

Амир Кулол илмни эгаллаб олиш лозимлигини уқтириб, илмсиз одамни ҳайвондан ҳам тубан деб баҳо беради.

**Агар фарзанди султонию хони,  
Чу дониш нест бадтар аз сағони.**

Мазмуни: Султон ва хоннинг фарзанди бўлсангда, лекин билиминг бўлмаса сен итдан ҳам тубансан.

Амир Кулол билиш жараёнида инсонга Аллоҳ томонидан берилган қобилиятни муҳим ва асосий деб, унингсиз шахс ҳеч нарсага эриша олмайди деган фикрда туради. Ҳазрат Аллоҳ томонидан берилган илмни ҳар бир инсон ўзи эришган билимдан кўра устун қўяди:

**Илме, ки муаллимаш дар сина бувад,  
Дарси набувад ҳар он чи дар сина бувад,  
Сад хона китоб хони суде накунад,  
Онро, ки китобхона дар сина бувад.**

Мазмуни: Қалбда Аллоҳ томонидан жойлаштирилган илмни дарс олиш билан ўрганиб бўлмайди. Юзта уйда жойлашган китобларни ўқисанг ҳам, олган билимларинг қалбда кутубхонаси бўлган билимлар билан тенглаша олмайди.

Бу мисралар Амир Кулолнинг Аллоҳ томонидан берилган илм орқали ҳақиқатга эришиш мумкин деган ғояда турганликларини кўрсатади. Илоҳий илм жойлашадиган макон қалб эканлигини ҳазрат таъқидлайди.

Амир Кулол билим олиш жараёнида ақлли, доно кишилар билан суҳбатнинг аҳамиятини уқтириб, нодонлардан узоқда бўлишга чақиради. Чунки нодонлар билан бўлиш уларнинг таъсирига тушишга олиб келиши мумкин.

**Бо бад маншину, бош бегонаи ў,  
Бар дом афти гар хўри донаи ў,  
Тир аз паи ростӣ камонро каж дид,  
Диди, ки чи гуна жаст аз хонаи ў.**

Мазмуни: Ёмон билан ўтирмагин, ундан узоқроқ юргин, чунки унинг таъсирига тушиб қолишинг мумкин. Тир камоннинг эгрилигини кўрганидан кейин ундан қандай қочиб кетганини кўрдингми, сен ҳам ана шундай ёмондан қочгин.

**Чи хуш гуфт он хирадманди сухандон,  
Ки руй аз сухбати нодон бигардон,  
Дарахти нафси нодон бар наёрад,  
Ҳузураш жуз ба дардисар наёрад.**

Мазмуни: Ақлли сўз эгаси нодон киши суҳбатидан юз ўгириши керак деб жуда тўғри айтган. Нодон одам нафсининг дарахти чегарани билмайди, шунинг учун ҳам у билан бўлиш бош оғриғидан ташқари ҳеч нимани келтирмайди.

Ҳазрат Амир Кулол илм билан амалиётни чамбарча бoғлиқликда деб қарайди ва амалиётда қўлланиладиган билим хазинага айланади деб ўқтиради.

**Ҳар киро илму ақл пироя аст,  
Ҳар киро ин ду нест бе моя аст.  
Илм бояд бо амал ганже бувад,  
Аз он, ки бе дониш амал ранже бувад.**

Мазмуни: Кимга илму ақл йўл кўрсатувчи бўлса, у бахтлидир, чунки буларсиз ҳаёт асоссиз бўлиб қолади. Илм амал билан бўлганидагина хазинага айланади. Билимсиз амалиёт кўп ранж келтиради.

Ҳазрат илм олиш жуда мураккаб жараён эканлигини уқтириб, шундай дейди: "Дар ҳар кужо бошед даст аз талаби илм дур надоред. Агар шуморо аз дарёи об ва оташ бояд гузаштан, бигузаред ва илм ба даст оред". (33-бет).

Мазмуни: Қаерда бўлмасангиз илм талабида бўлинг. Бу йўлда оловли ёки сувли дарёдан ўтиш лозим бўлиб қолса, албатта, ўтингу, лекин илмни эгалланг.

**Дар бодияи илм давидан, чи хуш аст,  
В-аз олами маъни сухан шунидан, чи хуш аст.  
Сад бор ба иттифоқ бо дил гуфтам,  
Аз сўҳбати ноақл буридан, чи хуш аст.**

Мазмуни: Илм орқасидан югуриш қандай гўзал иш. Маънолар оламидан сўз эшитиш қандай ажойиб! Ақлсиз билан суҳбатни узиб ташлаш кераклигини юз бор юрагимдан айтдим.

Ҳазрат Саййид Амир Кулолнинг бундан етти аср муқаддам билим олиш, илмли бўлиш ва унга амал қилиш хусусидаги мутафаккирона даъватлари билан ўтмиш, ҳозирги ва хусусан келажак ҳаётимиз юксалиши талаблари ҳамоҳангдир.

### **ҲАЗРАТНИНГ ЎГИТЛАРИ**

- "Бидон, покии дил аз забон мекунад аз луқмаи ҳалол. Аз барои он, ки меъдаи одамиро чун ҳавз медонанд, ки дар вай оби пок аст равон. Ҳар гул ва мевае, ки аз он об ва хок ҳосил мешавад, он ҳам пок бувад ва бо манфаат бошад. Чунонче ҳазрати Расул фармудаанд, ки ҳар ки 40 рӯз луқмаи ҳалол хўрад Худои Таоло чашмаҳои илм ва ҳикматро бар дил ва забони вай кушода гардонад ва дилашро равшан мегардонад". Ин он вақт ҳосил мешавад, ки вай тақворо шиори худ мегардонад". (33-бет).

Мазмуни: Билгинким, қалб ва тилнинг поклиги ҳалол луқмадандир. Чунки инсон меъдасини пок сув мавжуд бўлган ҳовуз каби тасаввур этинг. Бу пок сув ва тупроқдан ҳосил бўлган ҳар гул ва мева, албатта, пок ва фойдали бўлур. Ҳазрат Расул айтганларким, 40 кун кимки, ҳалол луқманигина истеъмол қилса, унинг қалб кўзи очилиб илм ва ҳикмат булоқларидан баҳраманд бўлади. Бу эса фақатгина тақвони ўзларига шиор қилиб олганларгагина муяссар бўлади.

- "Рўзии худ бо касб оред. Рўзии худро аз касби ҳалол созед... Ва исроф накунед". (35-бет).

Мазмуни: Ризқу рўзингизни касбу хунар билан топинг. Ҳалол касб билан ризқингизни топинг ва...исроф қилманг.

"Чашми худро аз ҳаром дидан, гўши худро аз ҳаром шундан, дасти худро аз ҳаром кардан, пойи худро аз ҳаром рафтан нигоҳ доред". (33-бет).

Мазмуни: Кўзингизни ҳаромни кўришдан, қулоғингизни ҳаромни эшитишдан, қўлингизни ҳаром ишдан ва оёғингизни ҳаромга юришдан сақланг.

Юқоридаги ўғитлар Ҳазрат Амир Кулолнинг Юсуф Ҳамадоний, Абдулхолиқ Ғиждувоний каби йирик мутасаввифларнинг таълимотларига тўла амал қилганлигини кўрсатади. Ҳазрат ҳам улар каби ҳалол луқма покланишнинг асоси деб таъкидлайди. Ҳалол луқма ҳалол меҳнат билан топилиши лозим деган фикрлари таъсирида "Дил ба Ёру даст ба кор" ғояси шаклланган.

#### **4. ҲАЗРАТ ОТА ВА МУРШИД**

##### **СИФАТИДА**

Ҳазрат Саййид Амир Кулол тарбиялаган фозил фарзандлари ва пок шогирдлари билан тарихда тириклардан тирик сифатида сақланмоқда. У кишининг муридлари бўлган ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратнинг номини жаҳонга танитди. Муридлари у кишини қандай тасвирланганини яқинда Туркияда чиққан Маҳмуд Зоҳиднинг "Тасаввуф ахлоқи" китобидан ўқиш мумкин: "Бўйи узун, қўллари кениш ва узунча эди, қошлари чатиқ (туташ), ранги эсмер, соқоли пик. Оз баёзи бор эди. Жуда мутавозеъ ва махфияткор эди. Ўтироз ва инод билмас эди. Ёшлигида паҳлавон эди. Шариат, тариқат ва маърифат нафасида жам этмишди." (2 том, 189-бет).

Манбада кўрсатилишича, Амир Кулолнинг тўрт ўғли ва тўрт халифаси бўлган. Тўрт ўғилларини тўрт халифалари тарбиясига берганлар. Ўғиллари ота йўлидан борганлар.

Оталари улар учун, ҳам падари бузурквор, ҳам сўфийлик йўлини кўрсатувчи муршид бўлган. Тўнғич ўғиллари Амир Бурҳонни Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, иккинчиси Амиршоҳни шайх Ёдгор, учинчиси Амир Ҳамзани Мавлоно Ориф Деггароний ва тўртинчиси Амир Умарни Жамолиддин Осиёвий тарбиялаганлар.

Ҳазрат Амир Кулолнинг асҳобларининг жами 114 кишидан иборат бўлган. Улар орасида Хожа Муҳаммад Баҳоуддин, шайх Муҳаммад Халифа, Амир Кулол Доши, Алоуддин Ғиждувоний, Хожа Шайх Дорзуний, Шамсуддин Кулол, Жалолиддин Кеши машҳур бўлганлар.

Ҳазратнинг халифалари орасида Мавлоно Ориф Деггароний ва Баҳоуддин Нақшбанд ўз истеъдодлари билан ажралиб турганлар. Ҳазрат Амир Кулол Муҳаммад Бобойи Самосий ўғитларига асосан бор билимларини Баҳоуддин Нақшбандга берганларидан сўнг, у кишига ижозат бериб, бошқалардан тарбият олинган деганларида, Баҳоуддин Нақшбанд 7 йил Ориф Деггаронийдан тарбия олган. Саййид Амир Кулол муршид сифатида ўз таълимотларини яратганларки, у ҳақда юқорида зикр этдик.

## **5. АМИР КУЛОЛ ҲАЁТЛАРИНИНГ**

### **СЎНГГИ ДАМЛАРИ**

Ҳазрат Амир Кулол сўнги дамлари яқинлашаётганлигини сезиб, фарзандларига юзланиб айтган:

- Эй фарзандон, кадоми шумо хизмати ёронро ихтиёр хоҳед кард? (38-бет).

Мазмуни: "Эй фарзандларим, сизларнинг қайсингиз ёрон Ҳақ йўлидан бораётганларнинг хизматини ихтиёр қиласиз?".

Ҳазратнинг ўғиллари бу саволга: "Эй динимизнинг буюги, эй Ҳақ йўлини кўрсатувчиларнинг раҳбари, бизларга бу ишнинг

тоқати ва бу кирдикорнинг мулозамати йўқдир. Аммо ким бу ишни қабул қилса, ҳаммамиз унинг мулозаматида бўламиз"- деб жавоб берадилар.

Фарзандларининг бу жавобидан сўнг Ҳазрат Амир Кулол бошларини муроқабага қўйган, яъни бутун вужуди билан Аллоҳга юзланиб унга яқинлашиб, ундан ишорат кутган. Соат ўтгандан сўнг бошларини кўтариб, фарзандларига муурожаат қилиб, Амир Ҳамзага ишорат қилган ва айтган:

- Ҳамма машойихларнинг арвоҳи сизга ишорат қилдилар.

Амир Ҳамза узр сўрайди ва айтади:

- Эй маҳдум, менинг бундай юкни кўтаришга тоқатим йўқ. Ўзимда бундай ишни қила олиш қобилиятини кўраолмаяпман.

Ҳазрат Амир Кулол айтади:

- Эй фарзанд, бу маънини сизга буюрдилар. Сиз қабул қилсангиз ҳам, қабул қилмасангиз ҳам бу амр бизнинг ихтиёримиз билан эмас. Бу замондан сизнинг ҳам ихтиёрингиз қолмайди.

**Ихтиёре нест моро, гар ту мегўй, ки ҳаст.**

**Мо ба дасти Ёр додем ихтиёри хешро.**

(38-бет).

Мазмуни: Сен мендан ихтиёр бор деб айтсангда, лекин аслида бизда ҳеч қандай ихтиёр йўқ. Биз бутун ихтиёримизни ЁР-Аллоҳга берганмиз.

Бу сўзлардан сўнг ҳазрат Амир Кулол ўз ўғиллари Амир Ҳамзага ижозат ва ишорат қилган ва шу дамдан бошлаб хилватга кетган. Хилватга кирганидан уч кечаю кундуз ҳеч ким билан гаплашмаган. Шундан сўнг бош кўтариб, Аллоҳга кўп ҳамду санолар айтган. Бу ҳолни кўриб, мажлис аҳли савол берган:

- Эй маҳдум, бу дамда жуда кўп ҳамду сано айтишингизнинг сабаби не?

Ҳазрат Амир Кулол айтади:

- Мен уч кечаю кундуздан бери тафаккурда эдимки, биз ва бизнинг дўстларимизнинг аҳволи нима кечади? Ғойибдан бир овоз келиб, шундай деди: "Эй Амир Кулол, биз сенга ва сенинг ёрларингга, дўстларингга, сенга итоат қиладиганларнинг ҳаммасига раҳмат қилдик".

**Шодам, ки зи ман бар дили кас боре нест,**

**Касро зи ману, кори ман озоре нест,**

**Гар нек шуморанду, гар бад гўянд,**

**Бо неку бади ҳеч кас коре нест.**

Мазмуни: Мен жуда хурсандманки, менинг туфайли бирор кишининг қалбида оғирлик йўқ. Мен ва менинг ишларимдан ҳеч ким озор чекмаган Мени ёмон ёки яхши десаларда, мен уларнинг яхши ва ёмонлари билан ҳеч ишим йўқ.

Бу назмий парча ҳазратнинг ҳалол ва покликлари туфайли беозор ҳаёт йўллари босиб ўтганликларидан гувоҳлик беради.

Юқоридаги сўзларни айтган кунлари руҳлари бу фоний оламни тарк этиб боқийликка томон сайр этган. Бу воқеа пайшанба куни эрталаб жумодил аввалнинг саккизинчи куни, ҳижрий 772, милодий 1370 йили содир бўлган.

"Мақомот"да кўрсатилишича шу куни ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Мавлоно Ориф Деггароний ёнларига келади.

Мавлоно у кишига айтади:

- Эй Хожа Баҳоуддин, бу пайтда Ҳазрат Амир нақл қилдилар, яъни бу оламдан ўтдилар. Сиз ғофил ўтирибсиз. Туринг, кутишни вақти эмас.

Бу сўзлардан сўнг икковлари ташқарига чиқадилар. Ҳазрати Баҳоуддин бир отни Мавлоно Орифнинг олдиларига келтириб дедилар:

- Мавлоно, аввал сиз миниб кетинг, мен тезда етиб бораман, сиз ҳеч кутиб турманг.

Мавлоно Ориф Деггароний йўлга тушади ва Хожа Баҳоуддиндан бир озгина олдин Сухорга келади. У киши Ҳазрат Саййид Амир Кулолнинг жанозаларига етиб келади ва:

- Бир озгина кутинглар, ҳозир Хожа Баҳоуддин етиб келади ва давлатга мушарраф бўлади деди.

Дарҳақиқат, бир оз фурсатдан сўнг Хожа Баҳоуддин етиб келади. Ҳазрат Саййид Амир Кулолнинг васиятларига кўра Мавлоно Ориф Деггароний билан ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд у кишининг муборак жасадларини тупроққа топширадилар. (40-бет).

Манбадан маълум бўлаяптики, ҳазрат Амир Кулолнинг қабрлари Сухорда экан. "Мақомот" билан бирга "Рашаҳот" асарида ҳам бу фикр бор (43-бет). Лекин адабиётларда Саййид Амир Кулол қабрларини Қаршида деган ғоя ёзилган. Масалан, "Темир тузуклари" асарида кўрсатилишича "Амир Темур отланиб, Амир Кулолнинг ҳузурига бордим", деган сўзига изоҳ бериб: "Саййид Амир Кулол ёки Шамсуддин Кулол... Кешда дафн этилган. (21- бет)- деб ёзилган. Демак, бу ерда Амир Кулол ва Шамсуддин Кулол бир шахс деб қаралмоқда. Бу эса тарихий Манбалар бераётган далилларга тўғри келмайди. Саййид Амир Кулол ва Шамуддин Кулол бошқа-бошқа кишилар бўлиб, Амир Кулол муршид ва Шамсуддин Кулол мурид бўлган.

Ибн Арабшоҳ "Амир Темур тарихи" асарида Шамсуддин Кулолнинг Шамсуддин ал-Фохурий дейди ва ёзади:-"Темур доимо"- "Салтанатдан эришган жамики, нарсам ва мустаҳкам маконларни фатҳ қилишим буларнинг ҳаммаси шайх Шамсуддин ал-Фохурийнинг дуоси туфайли" (1-чи китоб. Т. 1992.73-бет) деган. Демак, Амир Темур ўзининг пири деб

Шамсуддин Кулолни санаган ва у кишининг вафотидан сўнг Кешда у кишига мақбара қурган. Ҳозирги кунда Шахрисабзда бўлган Ҳазрати Шайх зиёратгоҳида Ҳазрат Саййид Амир Кулолнинг асҳобларидан бири Шамсуддин Кулолнинг қабри жойлашгандир. Ҳазрат Саййид Амир Кулолнинг муборак қабрлари эса Сухорда ҳозирги кунда у кишининг шарофатлари билан "Ҳазрат Саййид Амир Кулол мозори" деб аталадиган оромгоҳда жойлашган. Доимо бу Улуғ зот рухларига Аллоҳнинг раҳматлари ёғилиб турсин. Омин.

Бу ўринда ўн олти ёшда бўлган Амир Темурнинг Ҳазрат Саййид Амир Кулол билан илк бор учрашиб мулоқатда бўлганлиги ҳақидаги хотираларидан лавҳа келтириш эътиборга молик деб ҳисоблаймиз: Чунончи Амир Темур "Амир Кулолни биринчи кўришим эди",-деб ёзади. У,- саксон ёшларда бор, узун оқ сақоллик кўзлари чақнаб турган жозибадор бир киши эди. У... мажлис аҳли даврасида ўлтирган Амир Кулол мен билан Қуръони Карим ҳақида қилган суҳбатдан, яъни Қуръони Каримни ёддан тиловат қилиб берганимдан сўнг қўлини бошимга қўйган ҳолда юзимга диққат билан боқиб, мажлисдагиларга хитобан: "Мен бу йигитнинг пешонасида улуғворлик кўраман, бу йигит бир мақомга етгайки шундай илгари ҳеч кишига муяссар бўлмаган бўлгай, мен каби яшаган одамга бу йигитнинг сутуват ва азаматини кўришлик имкони бўлмаса ҳам, аҳли мажлисдан тирик қолганлардан Темур номли йигитнинг оламгирлигини кўрган ва эшитганлари бўлгай", дегандан кейин ходимига буюриб бир табоқда тўкоч (кулча) олдиртириб келиб, тўкочлардан етти донасини менга бера туриб; "Кешга борганинда ушбу тўкочларни ҳар биридан бир оз еб, қолганини сақлаб қўйғил, келажакда дунёнинг етти иқлими ҳаммаси сеники бўлгай;" дедилар, Амир Кулол билан мулоқатда бўлганимда тарихи ҳижрийга етти юз эллик икки эди (милодий 1351 й Х.Х.). Мен бу кишининг сўзларини (башоратларини – Х.Х.) ҳақиқатга улашиб кетишлигини ҳеч тасаввур қилмаган эдим... Уша кунларда Орифи биллоҳ аталган қари чолнинг сўзларига тушуна олмасам ҳам) бу кунларда Амир Кулол айтган ҳақиқатга

улашиб “дунё” етти иқлим менга мутеъ бўлди”, деб ёзади Соҳиб қирон Амир Темур<sup>4</sup>. Демак Соҳиб қирон Амир Темурнинг истиқболини унинг ёшлик чоғиданоқ башорат қилган ва олампиригига оқ фотиҳа берган Соҳибқаромат Улуғ зот ҳазрат Саййид Амир Кулолдир.

## ХОТИМА

Ўзбекистон - бу Аллоҳ назар қилган,  
Жаҳон гулшанида жавоҳир диёр.  
Бунда мутасаввиф Улуғ зотларнинг  
Абадий барҳаёт хотираси бор.  
Фақат эзгуликка раҳнамо бўлган,  
Умрбоқий илҳомбахш руҳи поки бор:

Ҳадислар илмининг буюк султони  
Имом Ал-Бухорий улуғ мўътабар,  
Ҳадислар нурила бутун дунёни  
Ёритди қуёшдек, айлаб мунаввар.

Шу азиз муқаддас муборак Замин  
Етти мутафаккир пирлар Ватани.  
Каломи Аллоҳни айлаб дилгажо,  
Каломи Шарифни келтириб бажо.  
Ҳақ йўлига бағишлаб умрларини,  
Тасаввуф илмила Ислом аҳлига,

---

<sup>4</sup> Менким фотих Темур... (Форс тилидан Абдулқосим Абдураҳим Учкун таржимаси), "Шарқ юлдузи" Тошкент. Ўзбекистон ёзувчилар журнали., 1995 1-2 сонлар 13-15 бетларга қаралсин.

Бўлдилар пиру, муршиду раҳнамо.

Силсилаи шариф етти ҳалқаси,  
Хожа Абдулхолиқ Ал-Ғиждувоний,  
Хожа Ориф Моҳи тобон Ревгарий,  
Хожа Маҳмуду Анжир Фағнавий,  
Хожа Али Ромитаний (Хожа Азизон),  
Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий,  
Ҳазрат Саййид Амир Кулол Сухорий,  
Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий:  
Ислом дунёси ҳаёт тарзи бўлган,  
Хожагон ва ундан сўнг Нақшбандий  
Тариқатларига асос солдилар,  
Бу тариқатларга ривож бердилар.  
"Дил ба Ёру, даст ба кор" даъватини  
Бутун Ислом аҳллари абадий  
Ҳаёт дастури деб қабул қилдилар.

Абу Ҳафси Кабир, Имомал-Мотуруддий,  
Имом Ал-Марғиноний каби алломалар,  
Фиқҳ таълимотига асос солдилар,  
Бу таълимотлари ила улар илк бор,  
Ислом уммати ҳаётининг шаръий  
Қоидаларини ишлаб чиқдилар.

Ин чунин:

Тасаввуф илмининг буюк алломалари

Умрбоқий таълимотлари билан

Инсон одоб ва ахлоқи бобида

Бебаҳо дурдоналар яратдилар.

Ушбу дурдоналар Ислом аҳлининг

Тариқатини қилмоқда мунаввар.

Бизнинг давримизда дунёдаги турли мамлакатлар ҳалқлари ва миллатларнинг вакиллари томонидан умуминсоний фазилатларни ифода этувчи поклик, ҳалоллик ва ҳақиқатга раҳнамо таълимот-маънавий бойлигимиз чашмаларидан баҳраманд бўлишга интилиш тобора рўй бермоқда. Улар буюк бобокалонларимиз Имом ал-Бухорий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ва Хожа Муҳаммад Баҳоуддин ал-Бухорий таълимотларини, яъни Хожагон ва Нақшбандия тариқати усул в одобини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Турк ва тожик, ҳинду ва хитой, алмон ва фаранг, ўрис ва инглиз, япон ва бошқа миллат вакиллари ушбу тариқатга мурид бўлганликлари ва бўлаётганликлари фикримиз далилидир.

Биз ушбу рисолада шу бобокалонларимиз улуғ сафдошларидан бири Шайхул шуюх, Раиси арбобил тасаввуф, Султонил тариқа, Бурҳонил ҳақиқат, Муршид-ус- соликин, Саййидал орифин, Шарафул мустафаввин, Зайнул ворисин вал муҳаққиқин, ҳазрати борафъат вали ва кароматлар соҳиби Саййид Амир Кулолнинг муборак ҳаётлари, таълимот ва амалиётлари хусусида қисқача фикр баён этдик. Шоядки ул Улуғ зотнинг ҳаёт тарзлари ва ўлмас таълимотлари ҳар бир инсон баркамоллиги учун дастуруламал бўлғай, маънавий дунёмизни

обод этгай. Зеро бу таълимот Аллоҳнинг раҳмат нурлари ила файзёб бўлгандир.

Ҳазрат Саййид Амир Кулол вафотидан кейин XV- асрдан бошлаб Сухор қишлоғи Улуғ зот шарафига "Мир Кулол" номи билан атала бошланган. Қишлоқнинг шарқ томонидан баланд тепалик барпо қилиниб, унинг устида Мавороуннаҳрда энг баланд ва йирик жомеъ масжиди қурилган.

Аммо шўролар ҳукмронлиги даврида ўлкамизда миллий-ҳудудий чегаралаш ўтказилиши муносабати билан қадимий атамалар ҳам ўзгартирилган. Жумладан беш асрдан ортиқроқ Мир Кулол номи билан аталиб келган қишлоққа 1925-1926 йилда "Янги ҳаёт" номи қўйилган. Гўёки бу "эскиликни" "янгилик" билан алмаштирилиши бўлган. Назаримизда бу борада ўз даврида қилинган хатоликни тузатиш, яъни қишлоқнинг муборак Мир Кулол номини қайта тиклаш фурсати етди. Бу кекса авлоднинг келажак авлод олдида қилган савоб иши бўлар эди.

Юқорида зикр этганимиздек XV аср бошларида қишлоқнинг шарқий қисмида баланд тепалик барпо этилиб унинг устига қирқ бир поғона зина билан чиқиладиган Мир Кулол Жомеъ масжиди қурилган. Ушбу муқаддас даргоҳ воҳа аҳлининг тоат-ибодатига хизмат қилган. Лекин шўролар тузимининг динга қарши олиб борган атеистик кураши натижасида 1937 йилда ушбу масжид йиқитиб юборилиб, унинг ўттиз икки устун, болор қаламалари, синжлари, вассалари ва бошқа барча ашёлари шўролар ҳукумати топшириғи билан олиб кетилиб Когон шаҳрининг эски марказида болалар боғчаси биноси қурилди. "Тасодиф"га қарангки бу бинода икки маротаба кучли ёнғин содир бўлди. Яхшиямки ёнғинлар пайтида қурбонлар бўлмади. Муаллиф, яъни камина (Х.Х) масжид биносининг 1937 йилдан кейинги тақдири ҳақидаги воқеаларнинг гувоҳидир.

Миллий истиқлолимиз шарофати шарофати ила Когон тумани жамоатчилиги ташаббуси билан Ҳазрат Саййид Амир Кулол зиёратгоҳи ҳудудида янги жомеъ масжиди қурилиши бошлаб юборилди. Амир Кулол мақбарасининг ғиштдан терилган пойдеворини меъморлар ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Раҳмоновлар бажардилар. Мақбаранинг асосий қисмини эса покистонлик Шайх Маъруф ташкилотчилигида шу мамлакат фуқароси муҳандис Ҳожи Мақсуд тўрт ой мобайнида қуриб ниҳоясига етказди ва 1995 йил 9 ноябр пайшанба куни тикланган мақбаранинг очилиши маросими бўлиб ўтди.

Аммо шўролар замонида харобага айланган мақбара ҳудуди катта таъмирлаш ва ободонлаштиришни талаб қилар эди. Шунингдек, янги масжид биносини қурилишини ниҳоясига етказиш лозим эди. Албатта бу ишларни хайрия йўли билан келган маблағ, қурилиш материаллари эвазига ва энг асосийси мусаввирлик-меъморий ишларни моҳир усталар, меъмор ва ганчкорлар иштирокида амалга ошириш мумкин бўлди.

Енгил бўлмаган бу хайрли ва савоб ишга вилоят ҳокими Самойиддин Қосим ўғли Ҳусенов ташаббускор ва ташкилотчи бўлди ва бу билан боғлиқ барча ишларга бевосита раҳбарлик қилди. Зиёратгоҳни ободонлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларига вилоятнинг Бухоро Когон шаҳарлари, Когон, Олот, Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Жондор туманлари ҳоқимликлари, қурилиш ташкилотлари, қатор ишлаб чиқариш жамоалари ва энг моҳир уста, меъмор ва ганчкорлар жалб этилди. Натижада йилларни талаб қиладиган Ҳазрат Саййид Амир Кулол зиёратгоҳини таъмирлаш ободонлаштириш, масжид биноси қурилишини тугаллаш, умуман мусаввирона меъморий зиёратгоҳ мажмуасини вужудга келтириш икки ярим ой мобайнида 1998 йил январ (Рамазон) ойида бошланиб, Курбон ҳайити арафаси 6 апрел куни ниҳоясига етказилди.

Мажмуани қайтадан барпо этиш вилоят бош меъмори Маҳмуд Қосим ўғли Аҳмедов лойиҳаси асосида амалга

оширилди. Масжиднинг ички ганч безаклари ганчкорлар Завқиддин Атоев, Абдурауф Зиёдуллаев томонидан бажарилди.

Зиёратгоҳни обод қилиш, янги масжид биносини қуриш йўлида кўп йиллар ғайрат кўрсатиб келган камтарин инсон Рўзиниёз Тўра ўғлининг саъй ҳаракатлари эътиборга моликдир.

Шундай қилиб, Силсилаи Шарифнинг ўн бешинчи ҳалқаси ҳисобланмиш, тасаввуф илмининг йирик намояндаларидан бири Ҳазрат Амир Кулол зиёратгоҳи мажмуасининг қайта вужудга келтирилиши ва янги жомеъ масжиди биносининг ишга туширилиши Марказий Осиё ва бутун мусулмон шарқи халқлари ҳаётида рўй берган муҳим тарихий воқеа бўлди.

Шу 6 апрел Ийд-Аль-Адҳа арафаси куни мажмуанинг очилиш маросимига бағишланган кўпкишилиқ анжуман бўлди. Анжуманда Когон тумани ҳокими Ҳамид Бобоқул ўғли Равшанов туман аҳли номидан қурилиш- таъмирлаш ишларига иштироқ этганларга, бу ишчиларга бошчилик қилган вилоят ҳокимлигига чуқур миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнгра вилоят ҳокими ўз нутқида барчани қисқа муддатда амалга оширилган савоб иш билан ҳамда Муборак Курбон Ҳайити билан қутлади, Улуғ бобокалонимиз Ҳазрат Саййид Амир Кулол руҳи покини шод қилиш йўлида хизмат қилганларга самимий миннатдорчилик ва эзгу ниятлар изҳор қилди. Шундан сўнгра қурилиш ва таъмирлаш ишларига фаол қатнашганларга Қуръони Карим тухфа қилинди ва вилоят ҳокимлигининг совғалари топширилди.

Маросим охирида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилоятидаги вакили Ҳожи Ғафуржон Раззоқов Куръон оятларидан тиловат қилди ва дуойи Фотиҳа ўқилди. Анжуман тугагач барча зиёратчиларга шарқона одатга кўра ош тортилди.

Шу Курбон Ҳайити арафаси куни янги Жомеъ масжидида кўп кишилиқ намоз ўқилди. Мамлакатимизнинг Муборак Истиқлоли, порлоқ Истиқболи, Ислом дини равнақи учун дуойи

Фотиҳа қилинди. Буларнинг ҳаммаси учун Яратганга шукроналар қилиниб, Унга ҳамду санолар айтилди.

Қилинган ва қилинаётган бундай хайрли ишлар Миллий қадриятларимиз тикланаётганлигининг, Улуғ аجدодларимиз руҳи поки олдида ўз бурчимизни муносиб адо этаётганлигимиз далилидир. Улар қолдирган бебаҳо маънавий бойлик авлодларимиз камолоти йўлида шубҳасиз хизмат қилажак, Иншооллоҳ.

## АДАБИЁТ

1. Шаҳобиддин ибн бинти Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Тошбосма; Тошкент. Ильин Матбааси, 806. Шу асар 1436 йил. Бухоро вилоят музейи. Инв. № 1158.

2. Х.Ҳасанов, Г.Наврўзова. Ҳазрат Саййид Амир Кулол; Бухоро-1993-1998 йиллар.

3. Г.Наврўзова, Н.Сафарова. Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий дунё қарашлари; Бухоро - 1996 й.

4. Дурдона. Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақомотлари. Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳоний таржимаси. Тошкент. 1993 й.

5. Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти Пир. Тошкент. 1993 й.

6. Ориф Усмон. Буюк бобокалонларимиз маънавий мадади; "Бухоро ҳақиқати" 1993 йил № 8 июл.

7. Фаҳриддин Али ибн Ҳусайн Воиз Кошифий. Рашаҳот айн ал ҳаёт. Тошкент. Ғуломия матбааси. 1329/1911.

8. М.Н.Болтаев. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний инсондўст ҳаким, риъфат шайх. Бухоро 1994.

9. М.Н.Болтаев. Абдурахмон Жомий. Инсон, унинг ҳаёт мазмуни ва моҳияти тўғрисида. (Рус тилида). Когон. 1993 й.

10. Садриддин Салим Бухорий. Дилда Ёр (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд). Бадиа. Тошкент 1993.

11. "Мен ким фотиҳ Темур..." (Форс тилидан Абулқосим Абдурахим Учқун таржимаси) "Шарқ юлдузи". Ўзбекистон ёзувчилари журнали; Тошкент. 1995 й. 1-2 сонлари.

12. Нарзулло Юлдошев. Бухоро авлиёларининг тарихи; Бухоро 1997 й. 76-77-бетлар.

## **МУНДАРИЖА**

1. Муқаддима.....
2. Ҳазратнинг ҳаётларига оид маълумотлар  
А) Ҳазрат Амир Кулолнинг туғилишлари  
хусусида.....  
Б) Ҳазратга тарбия берган устозлар.....
3. Ҳазратнинг тасаввуфий даража ва фахрий унвонлари.....
4. Ҳазрат Саййид Амир Кулол таълимоти.....  
А) Ҳазрат таълимотининг моҳияти.....  
Б) Ҳазратнинг зикр хусусидаги ғоялари.....  
В) Ҳазратнинг илм ва билиш ҳақидаги фикрлари.....  
Г) Ҳазратнинг ўғитлари.....
5. Ҳазрат ота ва муршид сифатида.....
6. Амир Кулол ҳаётларининг сўнгги дамлари.....
7. Хотима.....

**Х.ХАСАНОВ, Г.НАВРЎЗОВА**

**ҲАЗРАТ САЙЙИД АМИР КУЛОЛ**

Муҳаррир: Абдулло Ҳасанов

Сураткаш: Шавкат Болтаев

Тех. Муҳаррир: Гулнора Самиева

Операторлар: Наталья Авезова,  
Зилола Бобоева

Теришга берилди 3.03.2003 й. Босишга рухсат этилди 15.04.2003 й. Босма табоғи 2.2. Буюртма №383. Адади 2000. "Бухоро" нашриёти, Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 27-уй.

"Ёқуб Довуд" босмахонасида чоп этилди. Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 27-уй.